ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Xabar

19 (816)-son
9-may
www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz
2008

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

**Алоқа оламида: ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИК!**

Xerox компанияси мутахассислари чоп этишда кўп бора қўлланиладиган қоғоз турини ишлаб чиқишди.

Қоғоз таркибида ултрабинафша нурларга таъсирчан молекулалар мавжуд, айнан улар нусха пайдо бўлишига хизмат қилади. Шундан сўнг 24 соат давомида молекулалар бошланғич ҳолатига қайтади ва қоғоздаги матнлар ўз-ўзидан ўчиб кетади. Қоғозни қиздириб ҳам "ўчириш" жараёнини тезлатиш мумкин.

Янги қоғоз компания ва ташкилотларни ортиқча харажатлардан қутқариш билан бирга, экологик мувозанат барқарорлигини сақлашга хизмат қилиши табиий.

## Мукофотлар муборак!

**Юртимизнинг гуллаб-яшнаши ва тараққиёти йўлида алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимлари ҳам сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Алоқачиларнинг касб байрамлари муносабати билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори буйруғига биноан республикамиз алоқа соҳасининг юксалиши ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келаётган Агентлик ва унинг тизимидаги акциядорлик компаниялари, жамиятлари, корхона, ташкилот, муассасалари ва қўшма корхоналарнинг раҳбар ходимлари, мутахассисларидан бир гуруҳи мукофотландилар.**

Жумладан:

"Ўзбектелеком" АК "Тошкент Телеком" филиали Янгийўл телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи **Жумабой Амирович БУТАЕВ,** *"Наманган Телеком" филиали директори* ***Жамолидин Адашалиевич ЯКУБАЕВ****, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қорақалпоқ филиали директори* ***Кенесбай ИБРАГИМОВ,*** *"Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" ДУК Бухоро РТУМ бош муҳандиси* ***Тўхтамиш Жумаевич АШУРОВ,*** *"Ўздунробита" МЧЖ ХИЧК маъмурий масалалар бўйича директори* ***Ильяс Велиуллаевич МУЗАФАРОВ,*** *"East Telecom" МЧЖ Бош директори* ***Абдуҳамид Абдумажидович МАҲМУДОВ****лар* ***"МОҲИР АЛОҚАЧИ"*** *фахрий унвони билан;*

Давоми 2-бетда

9-MAY — XOTIRA VA QADRLASH KUNI



# Хотира боқийдир, Қадр — муқаддас

**Гўзал юртимизнинг ҳозирги даражада гуллаб-яшнаши, ривож топишида ота-боболаримизнинг қанчадан-қанча саъй-ҳаракати, самарали меҳнатлари мужассам. Улар қўшган ҳиссани эътироф этмоқ, азиз ва муқаддас номларини хотирламоқ ҳозирги авлод вакилларининг бурчи ва вазифасидир.**

**Юртбошимиз томонидан 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши ана шу вазифани адо этишда айни муддао бўлди. Ҳар йили 9 май куни Иккинчи жаҳон урушида мардларча ҳалок бўлган азиз бобо ва момоларимиз руҳини хотирлаш билан бирга уруш ва меҳнат фахрийларига чексиз эҳтиром кўрсатилмоқда.**

**Бундай ҳурмат-эътибордан мамнун кексаларимиз эса юрт келажаги янада буюк бўлишини сўраб, ёшларга энг эзгу тилакларни тилаб дуога қўл очмоқдалар. Зеро, кексалари эъзоздаги юрт янада гуллаб-яшнайверади.**

ALSKOM
www.alskom.uz
O'ZBEKISTON - ROSSIYA QK SUG'URTA KOMPANIYASI

Кенг қамровли суғурта хизматлари

тел.: (+998 71) 173-80-05, факс: (+998 71) 173-80-06

ИНТЕРНЕТ ҲАМКОРЛАРИ-

UzNet
Internet Service Provider
— сифат рамзидир

Sarkor Telecom
— юқори тезликдаги уй Интернети

## JUMADAN — JUMAGACHA

☑ **Матбуотда “Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари эълон қилинди.**

☑ “Маънавият” нашриёти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” китобини нашрдан чиқарди.

Ушбу китобда одамзод учун ҳамма замонларда ҳам бебаҳо бойлик бўлиб келган маънавиятнинг маъно-мазмуни, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, бу мураккаб ва серқирра тушунчанинг назарий ҳамда амалий томонлари кенг қамровли фикр ва хулосалар орқали таҳлил этилади.

☑ **“Туркистон” саройида журналистика соҳасида “Олтин қалам” учинчи Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолибларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.**

**Танловнинг журналистика соҳасидаги бош миллий мукофотини қўлга киритган “Ўзбекистон” телерадиоканали директори Хуршид Даврон — махсус диплом ҳамда энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдорида пул мукофотига сазовор бўлди.**

**Танловнинг телевидение, радио, даврий нашр ва интернет журналистикаси бўйича, шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар бўйича совриндорлари аниқланиб, пул мукофоти билан тақдирланди.**

**Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов сўзга чиқди.**

☑ Покистонда нашр этиладиган “New Flyer” журналининг сўнгги сонларида Ўзбекистон Республикасига бағишланган туркум мақолалар эълон қилинган.

Мақолаларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг босқичлари, республика иқтисодий тараққиёти, сармоявий ва сайёҳлик салоҳияти, тарихий-маданий мероси ҳақида ҳикоя қилинади.

☑ **Мактаб ўқувчилари ўртасида кимё фанидан 42-Халқаро Менделеев олимпиадаси якунланди. Мамлакатимиз вакиллари бир олтин, бир кумуш, саккиз бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.**

**Умумжамоа ҳисобида украиналик ўқувчилар иккинчи, Россия вакиллари учинчи ўринни эгаллади.**



# Мукофотлар муборак!

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)**

*“Навоий Телеком” филиали бош ҳисобчиси* ***Валентина Леонидовна КОСЯКОВА,*** *“Самарқанд Телеком” филиали Булунғур телекоммуникациялар боғламаси кабел пайвандловчиси* ***Ранас Анасович ХАРИСОВ,*** *“ТШТТ” филиали Марказий телефон боғламаси телекоммуникация хизматларини амалга ошириш гуруҳи етакчи муҳандиси* ***Аладжон Анварович НИГМАНОВ,*** *“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Наманган филиали Янгиқўрғон почта алоқаси тармоғи “Искавот” алоқа бўлими бошлиғи* ***Ҳакимжон Усмонович ҲАМДАМОВ,*** *“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Хоразм филиали Боғот почта алоқаси тармоғи марказий почта бўлими хабарчиси* ***Равшанбек Абдиримович ЯВБАСАРОВ,*** *“Матбуот тарқатувчи” АК Фарғона вилояти “Матбуот тарқатувчи” ШК Қува бўлими бошлиғи* ***Роҳатхон Фармоновна ТЕШАБОЕВА,*** *“Алоқаинвест” ОАЖ бош ҳисобчиси* ***Нина Ивановна АТАМАНЧУК,*** *“Коинот” ОАЖ Бош директорининг ўринбосари* ***Эркин Максутович АБДУХАЛИЛОВ,*** *“Ўзимпэксалоқа” ЁАЖ божхона юкларини расмийлаштириш хизмати бошлиғи* ***Мурод Исҳоқович ИСҲОҚОВ,*** *“Гранит” ИИЧ ДУК бош муҳандиси* ***Валерий Георгиевич ПОЗДНЯКОВ,*** *Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази техник директори* ***Абдувоитжон Ҳусейнович ҒАФУРОВ,*** *Тошкент ахборот технологиялари университети “Олий математика” кафедраси доценти* ***Ришат Ниязбекович УСМАНОВ,*** *Андижон РТУМ ишлаб чиқариш техник лабораторияси бошлиғи* ***Тоҳиржон ҚОРАБОЕВ,*** *“Республика махсус алоқа боғламаси” ДУК ҳукумат алоқа хизмати маркази раҳбарининг ўринбосари* ***Эркин Иргашевич Ризаев,*** *“Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази” ДУК тармоқ ресурслари ва технологиялар бўлими етакчи муҳандиси* ***Камиля Ахметовна Темирбулатова,*** *Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи* ***Шомансур Шоюсупович Абидходжаев,*** *Давлат фелдъегерлик хизмати ҳукуматлар ва шаҳарлараро жўнатмаларни етказиб берувчи бўлими бошлиғи* ***Фурқат Абдуллаевич Аднаев,*** *“Ўздунробита” МЧЖ ХИЧК Андижон филиали директори* ***Асилитдин Насирдинович НУРИТДИНОВ,*** *“East Telecom” МЧЖ ҳудудий сотувлар бўлимининг Навоий вилояти бўйича ҳудудий менежери* ***Шуҳрат Бахтиёрович ҚИЛИЧЕВ,*** *“Rubicon Wireless Communications” қўшма корхонаси ахборот технологиялари бўйича Бош директорининг ўринбосари* ***Дилшод Пардаевич НАБИШЕВ,*** *“Unitel” МЧЖ тармоқни бошқариш ва мониторинг маркази бошлиғи* ***Элвис Рустамович УСЕИНОВ,*** *“ALSKOM” қўшма суғурта компанияси истиқболли лойиҳалар ва корпоратив бошқарув департаменти директори* ***Шаҳноза Тоҳировна КАРИМОВА,*** *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари* ***Фахриддин Жамолович АЛЛОЕВ,*** *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ишлар бошқармасининг ишлар бошқарувчиси* ***Рустам Соқиевич АДИЛОВ****лар Агентликнинг* ***“ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ”*** *билан;*

*“Қашқадарё Телеком” филиали шаҳарлараро телефон станцияси бошлиғи* ***Бахтиёр Рашидович ЖАББОРОВ,*** *“Самарқанд Телеком” филиали бош ҳисобчиси* ***Омон Абдуллаевич МИТАНОВ,*** *“ТошТТС” филиали бош ҳисобчиси ўринбосари* ***Мавлюда Юсуповна ИРГАШЕВА,*** *“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Жиззах филиали Зомин почта алоқаси тармоғининг эксплуатация бўйича муҳандиси* ***Юнусали ЭРГАШЕВ,*** *“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Сирдарё филиали Гулистон почта алоқаси тармоғи “Озод” алоқа бўлими хабарчиси* ***Ойбек Мирсаидович САРИБОЕВ,*** *“Матбуот тарқатувчи” АК автомашина ҳайдовчиси-сараловчи экспедитори* ***Садриддин Сайфиевич ЗУКУРОВ,*** *Хоразм вилояти “Матбуот тарқатувчи” ШК иқтисодчи-ҳисобчиси* ***Муборак Раҳимбергановна НУРМЕТОВА,*** *“Коинот” ОАЖ ҳисобчиси* ***Татьяна Евгеньевна ИЛЮШИНА,*** *Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази ривожлантириш бўлими мутахассиси* ***Ботир Олимович АҲМЕДОВ,*** *Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази “Trend SW” МЧЖ дастурчиси* ***Герман Владимирович СТИМБАН,*** *Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази “Trend SW” МЧЖ дастурчиси* ***Бегали Шавкатбекович МАМАТКАРИМОВ,*** *ТАТУ “Амалий информатика” кафедраси доценти* ***Аълохон Аброрович ҚАҲҲОРОВ,*** *ТАТУ “Физика” кафедраси мудири* ***Қаҳҳор Паттахович АБДУРАҲМОНОВ,*** *ТАТУ “Телекоммуникация узатиш тизимлари” кафедраси катта ўқитувчиси* ***Раимжон Қаюмович АТАМЕТОВ,*** *ТАТУ “Иқтисод” кафедраси мудири* ***Татьяна Михайловна БУТКЕЕВА,*** *Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи ижтимоий фанлар ўқитувчиси* ***Дилора Раҳимовна АҲМЕДОВА,*** *ТАТУ қошидаги 2-сон академик лицейнинг “Физика” кафедраси мудири* ***Зуннурхон Мақсудович ДАВЛАТХОНОВ,*** *ТАТУ қошидаги Мирзо Улуғбек номидаги академик лицейнинг инглиз тили ўқитувчиси* ***Жанетта Тиграновна ИШХАНЯН,*** *Сурхондарё РТУМ “Учқизил” РТС бошлиғи* ***Шавкат Анварович САИДОВ,*** *Қорақалпоғистон РТУМ “Нукус” РТС бошлиғи* ***Аҳмед Нуратдинович МАТЧАНОВ,*** *“Республика махсус алоқа боғламаси” ДУК Фарғона вилояти махсус алоқа боғламаси етакчи ҳисобчиси* ***Наталья Николаевна АҲМЕДОВА,*** *Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-сон ҳ/қ) таъминот гуруҳи омборхона бошлиғи* ***Павел Алексеевич НЕЛЮБОВ,*** *Электромагнит мослашув маркази ДУК етакчи ҳуқуқий маслаҳатчиси* ***Улуғбек Султанбекович САНГИРОВ,*** *Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ДУКнинг Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение илмий тадқиқот бўлими бошлиғи* ***Абдуносир Абдувалиевич НИГМАНОВ,*** *Давлат фелдъегерлик хизмати фелдалоқа катта зобити* ***Равил Абдусаматович АЛИЕВ,*** *“Ўзинфоком” компютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази ДУК компютер ҳодисаларига чора кўриш хизмати таҳлил, маслаҳат ва дастурий-техник қўллаш гуруҳи етакчи мутахассиси* ***Дмитрий Витальевич ПАЛЕЕВ,*** *Республика ахборот-кутубхона маркази Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилояти АКМ Абонент ва КАА сектори мудири* ***Сабоҳат Маҳмудовна АДИЗОВА,*** *Республика ахборот-кутубхона марказининг А.С.Пушкин номидаги Самарқанд вилояти АКМ кутубхоначиси* ***Мастура Нуриддиновна ҲАИТБОЕВА,*** *Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг марказининг Қашқадарё вилояти минтақавий бўлими бошлиғи* ***Толиб Жонимович ТЕМИРОВ,*** *Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг Андижон вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси бош ҳисобчиси* ***Олга Василевна КУЛИКОВА,*** *“ALOQALOYIHA” ДУК етакчи муҳандиси* ***Галина Григоревна МАХОВСКАЯ,*** *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси етакчи мутахассиси* ***Лазизбек Ҳайдаралиевич УСМОНОВ****лар* ***“ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ”*** *белгиси билан тақдирландилар.*

## Мукофотлар муборак, азиз ҳамкасблар!

XALQARO SEMINAR

# Почтада электрон тўлов

**5-7 май кунлари Тошкентдаги "Dedeman" меҳмонхонасида почта алоқаси соҳасида IFS технологиялари ёрдамида бутунжаҳон электрон тўловлар тизимини кенгайтириш масалаларига бағишланган халқаро ҳудудий семинар ўтказилди. Тадбир Бутунжаҳон почта иттифоқи (БПИ) ҳамда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ томонидан ташкиллаштирилди.**



Семинарда БПИдан почта-молия масалалари бўйича координатор Сергей Нанба ва техник лойиҳалар менежери Лати Матата ҳамда Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон миллий почта хизматлари мутахассислари қатнашдилар. "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Рустам Қосимов тадбир қатнашчиларини қутлаш учун сўзга чиқди.

Маълумки, алоқа хизматларининг тезкорлиги ва ишончлилиги соҳанинг бошқа йўналишлари қатори, почта хизмати учун ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Электрон шаклдаги тўлов ва пул ўтказиш хизматлари татбиқ этилиши билан масаланинг долзарблиги янада ошди. Бу борада жаҳон почта хизматларининг глобаллашуви, ўзаро ҳамкорликда мутаносиб янги технологияларни амалда қўллаш ҳар бир почта оператори учун янги даромад манбаларини очиши шубҳасиз. Бутунжаҳон почта иттифоқи вакиллари МДҲ давлатлари, жумладан, мамлакатимизда бу борада талай имкониятлар борлигини қайд этишди.

Семинарнинг дастлабки иш куни янги лойиҳа ҳақида умумий маълумотлар ва уни мазкур минтақада қўллашга доир тавсиялар берилди. IFS тизими (IFS, IFS Light, STEFI)нинг амалий ва техник имкониятларига тўхталиб ўтилиб, ходимларни мазкур тизимда ишлашга ўргатиш, реклама-тарғибот масалалари борасида ўзаро фикр алмашилди.

6 май куни мутахассислар ҳудудий лойиҳани ташкиллаштириш юзасидан музокарага киришдилар. Унда синов-тест жараёнлари, хизматлар сифати, янги хизматлар, ўзаро ҳамкорлик муносабатлари, томонларнинг жавобгарлиги каби масалалар кўриб чиқилди.

Семинарнинг учинчи иш кунида лойиҳа амалиёти ва эксплуатациясига тайёргарлик жараёни — ҳамкор мамлакатлар учун IFS хизматлари архитектурасини шакллантириш, синов гуруҳлари тузиш, маркетинг тадқиқотлари ва реклама ишлари ҳамкорлигини йўлга қўйиш бўйича ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

***Собит АҲАДОВ,***
***"Xabar" мухбири***

## UZTO тақдимоти

Мамлакатимиздаги корхона ва ташкилотлар молиявий-хўжалик фаолияти (бухгалтерлик ҳисоби)ни автоматлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси "NetDec" МЧЖ билан ҳамкорликда "UZTO" — миллий дастурий маҳсулотини яратиш бўйича лойиҳани амалга оширмоқда.

Миллий матбуот марказида 8 май куни мазкур лойиҳа натижаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхов ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари А.Хўжаев нутқ сўзлади.

Тадбирда "UZTO" дастури тақдимоти ўтказилди. Дастурдан кўплаб тайёр компонентлар ўрин олган бўлиб, улар исталган мураккабликдаги бухгалтерия, бошқарув ва молиявий ҳисобларни тез ва самарали ечиш имконини беради. Семинарга таклиф этилган бизнес соҳаси ва давлат идоралари вакиллари "UZTO" дастурий маҳсулоти асосида кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари ҳисобини автоматлаштириш бўйича тажрибалар билан ҳам танишдилар.

***Ўз мухбиримиз***

BIR VILOYATDAN IKKI XABAR

## Самарқандликлар ғолиб

Республика ўрта-махсус касб-ҳунар таълими маркази томонидан ташкил этилган "Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази" кўрик-танловининг якунловчи босқичи Пешку туманидадаги Афшона тиббиёт касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди.

Унда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар босқичлари ғолиблари иш фаолиятидан ҳикоя қилувчи видеолавҳалар намойиш этилди. Ҳакамлар ҳайъати, шунингдек, танлов иштирокчилари томонидан тайёрлаб келинган кўргазма ва албомлар бўйича ҳам ўз фикрларини билдирдилар. Ғолибликка даъвогарларнинг интернетдаги веб-сайтларига қараб ҳисобланган баҳо берилди. АРМ раҳбарлари ўртасида ўтказилган тест синовлари эса уларнинг ўз лавозимларига нечоғлик мос эканликларини кўрсатди.

Ҳакамлар ҳайъати қизғин ва муросасиз ўтган баҳслар якунига кўра фахрли биринчи ўринни Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги Академик лицейнинг ахборот-ресурс марказига беришга қарор қилди. 2 ва 3-ўринларга эса Афшона тиббиёт коллежи ҳамда Жиззах транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежининг зиё масканлари муносиб деб топилди.

Тадбир доирасида Бухоро педагогика касб-ҳунар коллежида ташкил этилган республика услубий семинарида ахборот-ресурс марказлари ходимлари ўзаро тажриба алмашиб, келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олдилар.

**Бухоро шаҳрида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ҳамда Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти томонидан ташкил этилган "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида маркетинг ҳолати ва ривожланиши тенденциялари" мавзуида республика семинари бўлиб ўтди.**

# Маркетинг стратегияси

Соҳа корхона ва ташкилотлари, мобил алоқа компаниялари, "Алском" суғурта компанияси вакиллари иштирок этган ушбу семинарни ФТМТМ директори Махсум Маҳмудов кириш сўзи билан очди.

Маълумки, маркетинг фаол жараён сифатида мамлакатимизда бозор иқтисодиёти нормал кечиши учун бир қатор вазифаларни амалга оширмоқда. Маркетинг борасидаги чуқур билимлар ҳамда бозордаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда тезкор чоралар кўра билиш лаёқати тижорий ютуқнинг асосини ташкил этади. Шуни унутмаслик керакки, мавжуд муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилиб, операторнинг юқори даражадаги даромад кўрсаткичларига эришувида маркетинг режаларининг ниҳоятда аниқ бўлиши катта аҳамиятга эга. Бунинг учун эса операторлар доимий равишда ўзларининг бўлажак истеъмолчилари мониторингини олиб боришлари зарур.

Семинар қатнашчилари почта алоқаси маркетинги ҳолати, "Ўзбектелеком" АК, "UZINFOCOM" маркази маркетинг фаолияти ва уни оптималлаштириш йўллари, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиалида маркетинг дастури ишларининг бажарилиши, республика АКТ субъектлари суғурта ҳимояси такомиллаштирилишини рағбатлантириш мақсадида суғурта соҳаси ҳамда корхоналар маркетингини амалга оширишда интернет тармоғи роли ва бошқа бир қатор мавзулардаги маърузаларни тингладилар.

Тадбирда сўзга чиққан ТАТУ иқтисод ва бошқарув факултети декани, профессор Мамлакат Маҳкамова, "Менежмент ва маркетинг" кафедраси мудири Гулчеҳра Назарова, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ маркетингни ташкил қилиш ва қимматли қоғозлар бўлими бошлиғи Абдуқосим Раббимов, Бухоро филиали директорининг биринчи ўринбосари Ислом Қўлдошев, АТ "Алоқабанк" маркетинг бўлими бошлиғи Рамиля Сахапова, шунингдек, ФТМТМ, UzNET, "TSHTT" маркетинг бўлимларининг етакчи муҳандислари ва бошқалар юқорида тилга олиб ўтилган мавзуларда маърузалар ўқиб, кўпчиликни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб бердилар.

Семинар қатнашчиларининг айримлари билан суҳбатда бўлганимизда улар мазкур тадбирдан катта таассурот олганликларини, бу борадаги изланишлар бундан кейин ҳам давом эттирилиши зарурлигини, негаки, маркетинг — давр талаби ва тақозоси эканлигини таъкидладилар.

Тадбир давомида айтилганидек, чиндан ҳам ҳозирги давр бизнесида самарали рақобат учун доимий равишда бозор, рақобат ва бошқа зарур масалалар бўйича катта миқдорда ахборот тўплаш лозим бўлади. Энг муҳими, бу борадаги барча ишлар маркетинг тадқиқотлари ва аниқ далилларга асосланган стратегик маркетинг режасига мос ҳолда олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Семинар якунларига кўра, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида маркетинг хизматлари фаолияти самарадорлиги, маркетинг ривожланишининг рағбатлантирилиши, истеъмолчилар талабини қондирадиган сифатли хизматлар кўрсатилишини яхшилаш бўйича зарур тавсиялар қабул қилиниб, соҳа йўналишидаги бундай амалий семинарларни мунтазам равишда ўтказишга келишиб олинди.

Республика семинари қатнашчилари Бухорои шарифнинг тарихий ва маданий ёдгорликлари ҳамда диққатга сазовор жойлари билан ҳам яқиндан танишдилар.

***Асқар ИСТАМОВ,***
***"Xabar"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири***

## “ЎЗАЛОҚАКОНСАЛТИНГ”
### МЧЖ ЖАМОАСИ

Гўзал юртимиз алоқачиларини

касб байрамлари

билан муборакбод этади.

Эзгу мақсадларингизни амалга оширишда Сизларга куч-қувват ва омад тилаймиз.

Мамлакатимиз янада обод ва фаровон бўлсин!



## “ЧИРКОМ” ҚЎШМА КОРХОНАСИ
### ЖАМОАСИ

Республика алоқачиларини КАСБ БАЙРАМЛАРИ билан табриклайди.

Хонадонингиздан ҳеч қачон хурсандчилик ва файзу барака аримасин!



“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ

## ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ
### ЖАМОАСИ

Юртимиз алоқачиларини касб байрамлари – АЛОҚАЧИЛАР КУНИ билан қутлайди.

Эзгу мақсадларингизни амалга оширишда Сизларга куч-қувват тилаймиз.

Жонажон юртимизда доимо тинчлик ҳукм сурсин!



O`ZBEKTELEKOM

## “СУРХОНДАРЁ ТЕЛЕКОМ”
### ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Барча алоқа ходимларини КАСБ БАЙРАМЛАРИ билан қизғин муборакбод этади.

Азиз алоқачилар, барчангизга қутлуғ сана муборак бўлсин!



Ўзбекистон алоқа соҳаси ривожи йўлидаги масъулиятли ва шарафли ишларингизда омадлар ёр бўлишини тилаймиз!

**3-4 май кунлари Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг янги лойиҳаси — "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивали ўтказилди. Фестивалнинг кўтаринки руҳда ўтказилишида вилоятдаги алоқа корхоналарининг ҳам хизмати катта бўлди.**

# Фестивалда АКТ хизмати



— "Асрлар садоси" маданият фестивали ўтказилган Қайнар қишлоғининг Қоратепа адирлари бўйлаб боғламамиз томонидан ер ости телефон линияси тортилди, — деди Китоб телекоммуникациялар боғламаси бош муҳандиси Эшмирза Пўлатов. — Иштирокчилар ва меҳмонлар учун телекоммуникация ва матбуот харитаси, матбуот маркази учун эса бир неча алоқа ва коммуникация хизматларини кўрсатишни акс этувчи паннолар, баннерлар тайёрланди.

Шуниси эътиборлики, боғлама кабел-линия хўжалиги муҳандислари фестивалга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан тузилган чора-тадбирлар режасига асосан Қоратепа адирлари бўйлаб бир неча ўн километрлик алоқа линияларини тортишган бўлса, "Ўзбектелеком Мобайл" филиали Қашқадарё бўлими томонидан бир нечта телефон ўрнатилди.

Матбуот марказида юқори даражада ташкил этилган интернет, компютер, телефакс ва алоқа хизматларидан мамлакатимизда фаолият олиб бораётган ОАВ вакиллари унумли фойдаланишди. Улар орқали, айниқса, пойтахтимиздан ташриф буюрган республика радиоканаллари мухбирлари фестивал доирасида ўтказилган тадбирлар, мулоқотлар, синхрон чиқишлар, иштирокчи ва меҳмонлар билан жонли суҳбатларни эфир тўлқинларига тўғридан-тўғри етказиб турдилар. Интернет хизмати журналистлар учун ахборот ва маълумот узатишда асосий восита бўлиб хизмат қилди.

Фестивал кунлари Шаҳрисабз ва Китоб телекоммуникациялар боғламалари томонидан таъминланган овоз кучайтиргичлар ОАВ ходимлари учун ўтказилган матбуот анжумани сифатини оширган бўлса, "Ўздунробита" компаниясининг Шаҳрисабз филиали ҳамда вилоятдаги бошқа уяли алоқа хизмати кўрсатувчи корхоналар ҳам иштирокчилар ва меҳмонларнинг алоқа хизматидан фойдаланишлари учун барча шароитларни яратиб бердилар. Республикамизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган жамоалар, хориж давлатларининг маданият ва санъат намояндалари, дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари жойлашган меҳмонхона ҳамда оромгоҳларда ҳам алоқа ва матбуот хизмати кўрсатилди.

***Афтондил ИСМОИЛОВ,***
***"Xabar"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири***

# "300 дақиқа" акцияси

**"Ўзбектелеком Мобайл" филиалининг Фарғона боғламаси ўтган йилнинг октябр ойидан буён фаолият кўрсатмоқда. Шу қисқа вақт ичида абонентлар сони 1000 нафарга етай деб қолди.**




Тармоқда бўлганидек, вилоят ҳудудида ҳам ижтимоий аҳамиятга эга объектларни телефонлаштириш бўйича давлат топшириқлари бажарилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чоралари тўғрисида"ги қарорини бажариш юзасидан қатор ишлар амалга ошириляпти. Дилерлик таксофон хизматлари йўлга қўйилди.

— Конференцалоқа, интернет, рақамни аниқлаш, кириш қўнғироғини рақамга йўналтириш, қисқа рақам териш, кириш ва чиқиш қўнғироқларини чегаралаш каби қўшимча хизматлар кўрсатилмоқда, — деди биз билан суҳбатда боғлама раҳбари Икромжон Элмуротов. — Ҳадемай стационар терминаллар ўрнатилиб, халқ хўжалиги иншоотлари, давлат ташкилотлари, ўқув муассасаларига симсиз телефон, маълумотларни узатиш хизматларини кўрсата бошлаймиз. Кейинроқ VMS, WAP, MMS хизматлари жорий этилади.

— Мен тизимга уланган биринчи абонентларданман, — дейди Ҳамиджон Абдулаҳатов. — Дастлабки кунларданоқ тизимнинг ишончли ҳимояланганлигини ҳис этдим. Менимча, сифат борасида бошқа компаниялардан қолишмайди.

Шуни эътироф этиш керакки, алоқачилар байрами муносабати билан 1 майдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида "Супер Ўзмобайл" тариф режасига уланувчи абонентлар учун "300 дақиқа" акцияси амалга киритилди. Ушбу акция йўлга қўйилган кундан бошлаб вилоятда абонентлар сони кунига 10-15 нафарга ошмоқда.

***Ҳафиза САЛЯҲОВА,***
***"Xabar"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири***

# Алоқачи оилалар баҳси

**Яқинда Самарқанд алоқа касб-ҳунар коллежида вилоят телерадиокомпанияси томонидан алоқачиларнинг касб байрамига бағишланган "Бахтли тақдир" келин-куёв шоу кўрсатуви тасвирга олинди. Унда алоқа соҳасида иш юритаётган учта оила қатнашди.**

«Самарқанд Телеком» филиали Нарпай телекоммуникациялар боғламаси кабел пайвандловчиси ҳамда Шаҳарлараро телефон тармоғи оператори Юсуф ва Мехринисо Санаевлар оиласи, «ЎзИ-Самарқанд» филиали 29-АТС электромонтёри Ҳасан Халилов ҳамда унинг турмуш ўртоғи, кросс оператори Севинч Расулова, алоқа касб-ҳунар коллежи ўқитувчилари Шодиёв ва Шарофат Эшмирзаевлар оилалари ўзларининг мазмунли чиқишларини намоён этдилар.

Иштирокчилар барча шартлар бўйича маҳоратли эканликларини исботладилар. Беллашув сўнгида ҳар бир оилага қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Беллашув давомида самарқандлик хушовоз хонандалар Зафар Турсунов, Азим Қувондиқов ва Шерзодбек Холматовлар ўзларининг мафтункор қўшиқлари билан йиғилганларни мамнун этишди.

***Абдуғофур ҲОТАМОВ,***
***"Xabar"нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири***

## TAHRIRIYATGA MAKTUB



## НАЗАРАЛИГА РАҲМАТ!

*Ҳурматли таҳририят!*

*Ушбу мактубим орқали Қамаши почта алоқаси тармоғи "Қизилқишлоқ" алоқа бўлимида 25 йилдан буён кўплаб одамларнинг хожатини чиқариб келаётган почтачи Назарали Тошматовга миннатдорчилик билдирмоқчиман.*

*Халқимизнинг "Олтин олма, дуо ол!" деган ажойиб нақли бор. Умрингдан барака топгур Назарали ўғлим 3та хизмат қилаётган ҳудуддаги 3та мактаб, 150дан зиёд пенсионер ҳамда аҳолига баҳоли қудрат почта хизматларини кўрсатиб келмоқда. Пенсия пулларини, матбуот нашрларини ўз вақтида олямпиз. Бундан ташқари, унинг кўмагида коммунал тўловларни тўлашимиз ҳам осонлашди.*

*Мен барча кексалар, пенсионерлар номидан Назарали каби халқи хизматига камарбаста бўлаётган инсонларга самимий раҳматлар айтаман.*

***Қарши НАЗАРОВ,***
***меҳнат фахрийси***

## ОБОДЛИК ЙЎЛИДА

*Андижон вилояти, Хўжаобод туманидаги почта алоқаси тармоғининг биноси 1978 йилда қурилган эди. Яқинда бинонинг томидан чакка ўта бошлади. Бундан хабар топган Хўжаобод почта алоқаси тармоғи бошлиғи Абдурашид Маматалиев ташкилот раҳбарларига маъмурият аризаси билан мурожаат қилди.*

*Ариза ижобий ҳал бўлгандан сўнг, тармоқда капитал таъмирлаш ишлари қизғин бошланиб кетди. Қурилиш-таъмирлаш ишларига "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Андижон филиали директори Турсунбой Тешабоев ҳамда туманимиз ҳокими Абдумутал Абдужабборовларнинг ёрдами туфайли 500 дона шифер ва бошқа қурилиш материалларни ажратиб берилди.*

*Тармоқ биносининг устки қисми шифер билан ёпилди. Бундан ташқари, 756 кв. метр ҳажмдаги деворларни янгитдан сувоқ ва бўёқ қилиш режалаштирилди.*

*Таъмирлаш ишларида 15 нафар қурувчи меҳнат қилмоқда. Бу хайрли ишдан суюнган тармоқ ҳудудидаги аҳоли ва нуроний оқсоқоллар миннатдор бўлишиб, уларни дуо қилишмоқда.*

*Бир гуруҳ нуроний оқсоқоллар номидан*



***Ҳотамжон РАҲМОНЖОН ЎҒЛИ, меҳнат фахрийси***


"РЕСПУБЛИКА МАХСУС АЛОҚА БОҒЛАМАСИ" ДУК ЖАМОАСИ
Мамлакатимиз алоқачиларини
КАСБ БАЙРАМЛАРИ
билан чин дилдан муборакбод этади.
Ушбу шукуҳли кунларда сизларга энг эзгу тилакларни йўллаймиз.
Юртимиз гуллаб-яшнайверсин!


O`ZBEKTELEKOM
"ФАРҒОНА ТЕЛЕКОМ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ
Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида меҳнат қилаётган барча ҳамкасбларини
АЛОҚАЧИЛАР КУНИ
билан самимий қутлайди.
Омад ва бахт доимий ҳамроҳингизга айлансин.
Айёмингиз муборак бўлсин!


O`ZBEKTELEKOM
"СИРДАРЁ ТЕЛЕКОМ" ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ
Барча ҳамкасбларини
АЛОҚАЧИЛАР БАЙРАМИ
билан қизғин қутлайди.
Сизларга мустаҳкам соғлиқ, омад ва бахт тилаймиз.
Жонажон юртимизда доимо тинчлик ҳукм сурсин!


"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" ОАЖ
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ
Гўзал юртимиз алоқачиларини
КАСБ БАЙРАМЛАРИ
билан муборакбод этади.
Эзгу мақсадларингизни амалга оширишда Сизларга куч-қувват ва омад тилаймиз.
Мамлакатимиз янада обод ва фаровон бўлсин!

SHUKRONA

# Яхшилар йўлдош бўлди

**Ҳеч бир инсон бошига ташвиш тушмасин экан. Шундай чоғда уни тушунадиган киши топилиб қолса-ку хўп-хўп, акс ҳолда... Бу танглик, айниқса, хасталикка чалинганда яққол билинади. Сўзларимни кўнгил тўридан олиб ёзяпман. Начора, кутилмаганда ёрдамга муҳтож бўлиб қолдим.**



Бир амаллаб ишхонамга келдим. Қабулхонада ўтирибман-у, кўнглимдаги безовталикдан ноумид туйғуларга бериламан. Негаки, раҳбаримизнинг иш бошлаганига энди икки кун бўлган. Шу боис "Мени тушунармикин?!" деган истиҳолага бораман. Йўқ, гумонларим булут каби бир зумда парчаланиб кетди. "ЎзИ-Термиз" филиали директори Нормурод Худоёров гарчи мени унчалик танимаса-да, ўз синглисидай қабул қилди. Мени обдон эшитди ва деди: бизга аввало ходимларимизнинг соғлиғи керак. Даволаниб қайтишингиз учун барча зарур ёрдамни қиламиз.

Кўп ўтмай хонага филиал бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси раиси Шерали Юсупов кириб келди. Бошлиғимиз унга юзланди:

— Бу синглимизни танийсиз-а?

— Албатта, Хосият опа жамоамизда чорак асрдан бери узлуксиз ишлаб келади. Ҳар томонлама интизомли ходимларимиздан бири...

Филиал директори жамоа шартномаси талабларига биноан зудлик билан менга моддий ёрдам кўрсатилишини айтди. Топшириқ айтилгандай ўз вақтида бажарилди. Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғининг ўринбосари Алишер Қўчқоровдан ҳам минг бора миннатдорман. Тошкент Тиббиёт академиясининг 1-клиникасида даволаниб қайтишим учун бепул йўлланма олишимда катта ёрдам берди.

Клиника шифокорларининг сидқидилдан кўрсатган тиббий ёрдами тез орада саломатлигимни тиклаб олишимга имкон берди. Шифокорлар нафақат тиғ билан, балки ширин сўз билан даволашди.

Кўнгил кўнгилдан сув ичади, деганларига даволаниб уйга келганимдан сўнг яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Ҳамкасбларим ҳол сўрашгани ташриф буюришганда жамоада ўрним борлигини сездим. Энг яқин дугонам Қирмиз Ўроқованинг ҳазил-ҳузул аралаш гурунгларидан яна бир бор баҳра олганим рост! Биз нафақат хизмат кўрсатиш чоғида, балки филиалнинг турли маънавий-маърифий ва спорт тадбирларида ҳам бирга бўлиб, бир-биримизни қўллаб-қувватлаганмиз. Шу сабаб у "Ишга қайтгин дугона, бир ёнбошим қачонгача бўш юради", деб кулдирарди.

Минг афсуски, қадрдон корхонамда ишлаб, элнинг узоғини яқин қилишга йўналтирилган севимли касбимни давом эттириш мен учун анча эрта чекланди. Ўз хоҳишим билан иккинчи гуруҳ ногирони сифатида нафақага чиқдим. Начора, буни мен чалинган хасталик тақозо этди. Аммо "ЎзИ-Термиз" филиалида ўтган кунларим азиз умримга мазмун бахш эта олганидан хурсандман. Спортнинг шашка тури бўйича вилоят ва республика турнирларида қатнашиб, жамоам шарафини ҳимоя қилдим. Ўғлим Алишержон билан "Соғлом оила" мусобақасида иштирок этдим. Энг муҳими, корхонада қадрим борлигини оғир кунларда билдим. Соғлиғимни тиклашга катта ҳисса қўшган филиал раҳбариятидан, ҳамкасбларимдан беҳад миннатдорман.

***Хосият ҚУЛТЎРАЕВА***
***Сурхондарё вилояти***

XOTIRA

**Ҳар сафар республикамиз туманларига йўлим тушиб, бошқа бинолар орасида ўзгача қиёфасию салобати билан ажралиб турган алоқа иншоотларини кўрганимда, очиғи, ғурур, фахр туйғулари қалбимни чулғаб олади.**

# ҚАЛДИРҒОЧЛАРДАН БИРИ



Олдин кўпчиликнинг хаёлига ҳам келмаган фан-техника ажойиботлари бугун кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди — анъанавий телефон, телеграф, телевидение хизматлари ёнига мобил алоқа, интернет сингари янгиликлар қўшилди.

Албатта, мазкур қулайликлардан фойдаланишимизда ўз ҳиссаларини қўшган алоқачи-мутахассисларнинг меҳнатларига ҳар қанча таҳсинлар айтсак оз. Рейпназар Абдуғаниев ана шундай соҳа ривожига кўп меҳнатлари синггган инсонлардан бири эди.

Рейпназар Абдуғаниев 1939 йили Чимбой туманининг Кенес овулида туғилиб вояга етди. 1961 йили алоқа техникумини телефон-телеграф алоқаси муҳандиси мутахассислиги бўйича битирган Рейпназар Нукус шаҳар алоқа бошқармасининг линия-техника боғламаси лабораториясига ишга кирди. Республикадаги алоқа техникумининг илк қалдирғочлари — Турсинбай Оразбаев, Элза Абдураҳмонова, Акимниёз Ембергенов, Баймурат Тлевмуратов, Султанмурат Утемуратов, Қидирбой Қуттибоев ва бошқалар орасида Рейпназар Абдуғаниев ҳам бор эди. Қорақалпоғистонда алоқа соҳасининг ривожланишида айнан уларнинг хизматлари катта бўлди.

Ўз ишига меҳр қўйган ёш мутахассис Рейпназар зиммасидаги вазифага масъулият билан ёндашар, касб сирларини ўрганишдан толмас, тўхтамас эди. У 1962 йилнинг ноябридан ЛТБ бошлиқ ўринбосари, Нукус алоқа боғламаси бошлиғи ўринбосари, кейинчалик — 1967-1973 йилларда Республика техник ишлаб чиқариш алоқа бошқармаси бош муҳандиси вазифасида фаолият юритди.

60-йилларда Нукус, Чимбой, Беруний, Тўрткўл, Қўнғирот, Хўжайли туманларида кўплаб АТСлар қурилди, барча туман марказларида янги алоқа уйлари барпо этилди. Мазкур ишларда, шунингдек, Нукус, Хўжайли, Қўнғирот, Мўйноқ туманлари орасида алоқа линиялари тортилишида Рейпназар Абдуғаниевнинг ҳам хизматлари катта бўлганини бугун унинг ҳамкасблари тўлқинланиб ҳикоя қилишади.

Устозлар ишини ҳозир мустақил юртнинг навқирон фарзандлари давом эттиришмоқда.

Қорақалпоғистонда алоқа соҳасини ривожлантиришда муносиб ҳиссаларини қўшган биринчи "қалдирғоч"лар номи эл ёдидан чиқмайди.

***Раҳимжон БОЛТАБОЕВ***
***"Xabar"ниг Қорақалпоғистон Республикасидаги мухбири***

**Ўзи танлаган соҳасида, бунинг устига битта ташкилотда узоқ йиллар ишлаб пенсияга чиқиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган бахт. Бундай одамларни нафақат ўзи меҳнат қилган қадрдон жамоаси, балки кекса-ю ёш ҳурмат қилади, давраларнинг тўрини уларга илинишади, ҳаёт йўлини бошқаларга ибрат қилиб кўрсатишади. Ана шундай эл эъзозига сазовор инсонлардан бири оққўрғонлик фахрий алоқачи Азиз ака Алимовдир.**



# Фахрийлик бахти

Азиз Алимовнинг болалик йиллари энг оғир давр — жамоалаштириш ҳамда қатағонлар авж олган пайтга тўғри келди. Сўнгра машъум иккинчи жаҳон уруши бошланди. Одамлар бир бурда нон учун эртадан кечгача меҳнат қилишларига тўғри келар, топганларини жангчиларга жўнатишарди. Барча қийинчиликларга қарамасдан ёш Азиз мактабда яхши ўқиб, ўзининг интилувчанлиги, ақлу одоби билан бошқаларга ўрнак бўлди. Шунинг учун ҳам ўрта мактабни битиргач, уни ёшлар етакчиси қилиб мактабда олиб қолишди. Болалигидан радио тузатишга ишқибоз йигит 1954 йилда Тошкент алоқа техникумига ўқишга кирди. Техникумда эндигина иккинчи ой ўқиётганида уни ҳарбий хизматга чақиришди. Хизматни тугатиб, ўқишни давом эттирди ва 1960 йили техникумни битириб, қадрдон масканига қайтиб келди.

— Иш фаолиятимни туман алоқа тармоғида радиотехниклик вазифасидан бошладим, — дейди Азиз ака. — Ўша вақтда соҳада малакали мутахассислар етишмас, лекин алоқани ривожлантиришга талаб катта эди. Ана шу талаб астойдил меҳнат қилишга даъват этарди.

Орадан ярим йил вақт ўтгач, вазифа масъулиятини ҳис қилиб, чарчаш нималигини билмай меҳнат қилаётган ёш алоқачини радио тармоғига бошлиқ этиб тайинлашди. У 1961 йили янги ташкил этилган туман техник боғламасига катта радиотехниклик вазифасига ўтди. 1963 йили туман алоқа боғламаси учун янги бино қурилиб, туман марказидаги турли биноларда фаолият кўрсатаётган радио, телефон, телеграф хизматлари бир жойга жамланди. Ва Азиз Алимов туман алоқа корхонаси бошлиғи этиб тайинланди. У бу вазифада 1993 йил — пенсияга чиққунига қадар самарали меҳнат қилди.

— Алоқа соҳасидаги ўзгаришларни кўриб кўнглим тоғдай кўтарилади, — дейди Азиз ака фахр билан. — Биз ишлаган боғламада Оққўрғонни Тошкент билан боғловчи биргина канал бор эди. Кейинчалик қанча маблағ ва ҳаракатлар эвазига 200 рақамли ЦБ-100 янги станцияси, 1970 йилда 12 каналли янги аппаратура қурилди. Ҳозир аҳвол бутунлай яхши томонга ўзгарган. Мен кекса алоқачи сифатида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришларни, янги техника ва технологияларни, мижозларга яратилаётган қулай шароитларни кўриб минг бора шукр қиламан. Кўчага чиқсангиз, ҳамманинг қўлида мобил алоқа воситаси. Энг муҳими, аҳолига телефон хизмати кўрсатиш миқёси ва сифати ошди. Уйингизда ўтириб, дунёнинг исталган мамлакати билан бемалол гаплаша оласиз.

2008 йил — Ёшлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан туманда тез-тез икки авлод учрашувлари ўтказилмоқда. Бундай давраларда фахрий алоқачи сифатида Азиз Алимов ҳам иштирок этади. Ва умрининг машаққатли, баъзан ёрқин, аммо шарафли йўли ҳақида гапириб, ёшларни вақтнинг, ёшликнинг қадрига етишга чақиради. Ватанга муносиб ўғил-қизлар бўлишга даъват этади. Уйига эса қалби қувончга, қучоғи гулларга тўлиб қайтади.

Ҳа, фахрий алоқачилар ана шундай ҳурмат, ана шундай эъзозга сазоворлар.

***Муборак МИРКАМОЛОВА***
***Тошкент вилояти***


"O'ZIMPEKSALOQA" YAJ ЖАМОАСИ
Республикамиз
алоқа ходимларини
АЛОҚАЧИЛАР БАЙРАМИ
билан табриклайди.
Хурматли ҳамкасблар!
Ушбу шукуҳли кунларда сизларга
тинчлик-хотиржамлик,
хонадонингизга қут-барака
тилаймиз.
Байрамона кайфият
Сизни асло тарк этмасин!


O`ZBEKTELEKOM
"ЖИЗЗАХ ТЕЛЕКОМ"
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ
Барча алоқа соҳаси
ходимларини
КАСБ БАЙРАМЛАРИ
билан қизғин
қутлайди.
Азиз алоқачилар,
барчангизга қутлуғ сана
муборак бўлсин!
Мамлакатимиз янада обод ва фаровон бўлсин!


O`ZBEKTELEKOM
"НАВОИЙ ТЕЛЕКОМ"
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ
Барча ҳамкасбларини
АЛОҚАЧИЛАР КУНИ
билан қизғин табриклайди.
Азиз алоқачилар!
Ватанимиз гуллаб-яшнаши
йўлидаги эзгу ишларингизда
улкан муваффақиятлар тилаймиз.
Эзгу орзуларингиз
ушалаверсин!


"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" ОАЖ
СУРХОНДАРЁ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ
Республикамиз алоқа ва
ахборотлаштириш соҳаси ходимларини
АЛОҚАЧИЛАР БАЙРАМИ
билан муборакбод этади.
Азиз ҳамкасблар!
Сизларга соҳа ривожи
ва истиқболи йўлидаги саъй-
ҳаракатингизда улкан ютуқлар тилаймиз!
Айёмингиз муборак бўлсин!







"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" ОАЖ

## СИРДАРЁ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ






## ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

***9 май — Хотира ва Қадрлаш кунида Ўзбекистон аҳолисига тинчлик-хотиржамлик тилайди.***



**Юртимиз доимо тинч, осмонимиз мусаффо, хонадонларимиз обод бўлсин!**



## "ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" ОАЖ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ








# 9 май - Хотира ва қадрлаш куни!

«Билайн» Сизни буюк айём – Хотира ва қадрлаш куни билан муборакбод этади. Тинчлик - хотиржамлик, соғлик - омонлик ва дунёдаги энг эзгу тилакларни билдириб қолади!

Хизматлар лицензияланган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизматлар «Unitel» MChJ томонидан тақдим этилади. Бошқарув тизими сертификатлаштирилган. ISO 9001:2000.

Билайн™
ҳаётнинг ёрқин тарафида бўл

QAROR VA IJRO

# Карманада учрашув

**Маълумки, 2007 йилнинг 21 майида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди.**



Мазкур қарор билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг қишлоқ жойларида телекоммуникация операторлари ускуналарига асосланган ва кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан хизмат кўрсатиладиган ахборот-сервис инфратузилмасини яратиш тўғрисидаги таклифи маъқулланган ва ушбу таклифдан келиб чиққан ҳолда бугунги кунда қишлоқ жойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан алоқа ва ахборотлаштириш тизимининг телекоммуникация соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиялар учун олинадиган давлат божлари ҳажми қисқартирилди.

Шунингдек, республика ҳудудларида, айниқса, қишлоқ жойларида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтисодиётдаги салмоғини ошириш, янги иш ўринларини ташкил этишга қаратилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Агентликнинг жорий йил 3 мартида қабул қилган фармойишига асосан лицензиялаш масалаларига доир очиқ эшиклар кунини ўтказишга қарор қилинди. Мазкур фармойишнинг бажарилишини таъминлаш, вилоят ҳудудида АКТни ривожлантириш, маълумотлар узатиш (интернет-кафе, интернет-клуб), шаҳарлараро сўзлашув шахобчалари ташкил этиб, телекоммуникация соҳасида тадбиркорлик фаолиятини бошловчи вилоятдаги тадбиркорлар ва ишбилармонлар билан бир қаторда кенг аҳоли қатламлари учун соҳада лицензиялаш тартибларини тушунтириш мақсадида жорий йилнинг апрел ойидан бошлаб ҳар ойнинг охирги чоршанба куни Агентликнинг Навоий вилояти ҳудудий бошқармасида «Очиқ эшиклар куни» ўтказилиши режалаштирилди.

«Очиқ эшиклар куни»нинг биринчи тадбири Кармана туманида ташкил этилди. Унда вилоят ҳокимлиги, Агентликнинг вилоят ҳудудий бошқармаси, «Навоий Телеком» филиали, «Ўзбектелеком Мобайл» Навоий боғламаси, Навоий давлат алоқа инспекцияси, Кармана ТТБ раҳбарлари ва етакчи мутахассислари ҳамда лицензия талабгорларидан «Интер Кармана» хусусий корхонаси ва «Аббос Нуриддинов» фермер хўжалиги масъуллари ва бир қатор жисмоний шахслар иштирок этди.

Шунингдек, қишлоқлардаги тадбиркорларга алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини лицензиялаш масалаларини кенг тушунтириш мақсадида тумандаги қишлоқ АТС монтёрлари ва барча алоқа бўлимларидан вакилларнинг иштироки таъминланди ва уларга батафсил тушунтириш берилди.

«Очиқ эшиклар куни» қизғин баҳс-мунозаралар асосида ўтди. Тўпланганлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

***Маруса ҲОСИЛОВА,***
***"Xabar"нинг Навоий вилоятидаги мухбири***

ЭЪЛОН!



Тошкент ахборот технологиялари университети қуйидаги лавозимларга танлов эълон қилади.

**ДОЦЕНТЛАР:**
Фалсафа — 1.

**КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР:**
Ахборот технологиялари — 1, Ўзбек ва рус тиллари — 1, Фалсафа — 1, Чет тили — 1.

**АССИСТЕНТ (ўқитувчи)лар:**
Телекоммуникация тизимларини бошқариш — 1, Радиотехник тизимлари — 1, Чет тили — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етук мутахассислари қатнашишлари мумкин.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел: 238-64-06.**

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сонли қарори билан тасдиқланган "Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом"нинг 49-бандига асосан "GAME LAND" хусусий корхонасининг (Тошкент вилояти) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001229 рақамли лицензиясининг амал қилиши 2008 йил 1 майдан тўхтатилди.

TO‘YXAT



**Ҳар бир соҳанинг ўзига яраша фидойи, ўзи ишлаётган корхона ривожини ҳаётининг мазмуни деб билувчи одамлари бўлади. "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси ҳисобчиси Озодахон Музаффаровани ана шундайлар сирасига қўшиш мумкин.**

## ОЧИҚ КЎНГИЛЛИ ОЗОДАХОН

Ўзининг майин табассуми, хуш хулқи билан таҳририятимиз жамоасига ёқиб қолган бу аёл "Xabar"га тез-тез келиб туради. Гоҳ корхонада ўтказилган бирор тадбир ҳақида хабар олиб келса, гоҳ акциядорлик компанияси ходимларининг уюшқоқлиқ билан ҳашар ўтказганлари, амалга оширган ободончилик ишлари ҳақида мақола олиб келади. Ёзганларини газета саҳифаларида кўриб, шундай суюнадики...

Озодахон Музаффарова 1958 йилнинг 9 майида зиёли оилада таваллуд топган. Отаси Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, кўплаб орден ва медаллар соҳиби Акром ака Музаффаров Шайхонтоҳур туманидаги мактаблардан бирида узоқ йиллар ўқитувчилик қилган. Онаси меҳнат фахрияси Маҳмуда ая шифокор бўлганлар. Ота-онадаги билимга ташналик ёш Озодахонга ҳам юқиб, мактабни аъло баҳоларга тугатди. Сўнгра 1975 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтининг ҳисоб-китоб факултетига ўқишга кирди. Олийгоҳни ҳам барчага намуна бўлиб битирган ёш мутахассисни 1979 йили Ўзбекистон Республикаси алоқа вазирлигига ишга юборишди.

— Ишни катта тафтишчиликдан бошлаган бўлсамда, тез фурсатда бош мутахассислик вазифасини менга ишониб топширишди, — дейди Озодахон Музаффарова. — Касб сирларини пухта ўрганишимда устозим, назорат-тафтиш бўлими бошлиғи, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши раиси Тоҳир ака Назаржоновнинг ҳиссалари катта бўлди. Ишим аёллар учун анча оғир эди. Республиканинг турли вилоятларидаги алоқа корхоналари ишини тафтиш қилишимга, баъзан ҳафталаб сафарда юришимга тўғри келарди. Шундай қийинчиликларга қарамай, мен ўша вақтда соҳадаги ягона тафтишчи аёл эканлигим билан фахрланардим.

Ана шу — касбидан фахрланиш туйғуси ҳамон Озодахон қалбида жўш уриб туради. Шунинг учун ҳам у зиммасига юклатилган вазифани сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилади. Озода опанинг ҳамкасблари уни мана шу хислатлари учун ҳам ҳурмат қилишади.

Опахоннинг турмуш ўртоғи, фелдъегерлик хизмати ходими, подполковник Ҳусанбой Тўрабековга узоқ яшаш насиб этмади. Ҳусан ака ёлғиз ўғли — Отабекнинг алоқа ходими бўлишини хоҳларди. Озода опа турмуш ўртоғи орзуси рўёби учун ҳозирдан ҳаракат қилмоқда — ўғлининг яхши ўқиши учун барча шароитларни яратиб беряпти.

Отабек ҳали ёш — академик лицей талабаси. Лекин онаси каби билимга чанқоқ.

Биз алоқа соҳаси фидойиси Озодахон Музаффаровани 50 ёшга тўлиши билан табриклаб, орзулари ушалишини, соғ-саломат юришини тилаймиз.

***Муборак МИРКАМОЛОВА***

## *Табриклаймиз!*

*"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Бухоро филиали Ромитан почта алоқаси тармоғи жамоаси "Янгигул" алоқа бўлими бошлиғи **Содиқ ШОДИЕВ** ва "Газли" алоқа бўлими бошлиғи **Мамлакат ИБОДОВА**ларни, Ғиждувон почта алоқаси тармоғи жамоаси "Чорработ" алоқа бўлими бошлиғи **Музайям КАРИМОВА**, "Зарангори" алоқа бўлими бошлиғи **Иброҳим ИСМОИЛОВ** ва тармоқ сараловчиси **Дилором ШАРИПОВА**ларни туғилган кунлари муносабати билан чин қалбдан табриклайди. Уларга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, алоқа соҳасидаги ишларига зафарлар тилайди.*

*"Самарқанд Телеком" филиали жамоаси филиал бош ҳисобчиси **Омон МИТАНОВ**ни муборак 60 ёши билан табриклайди. Унга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилаб қолади.*

*"Фарғона Телеком" филиали жамоаси филиал ходимаси **Шарофатхон АҲМАДАЛИЕВА**ни 55 ёшга, Сўх телекоммуникациялар боғламаси мижозлар бўлими бошлиғи **Ғойибназар ҒОЙИБОВ**ни 50 ёшга тўлиши муносабати билан самимий табриклайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, оилаларига тинчлик-хотиржамлик тилайди.*

## “МАХСУС АВАРИЯ-ТИКЛАШ БОШҚАРМАСИ” ЖАМОАСИ

Республикамиз алоқачиларига

**Хотира ва Қадрлаш куни**

муносабати билан самимий тилакларини йўллайди.

Қадрли ҳамкасблар, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик ва ишларингизда ривож тилаймиз.

*Соҳамиз тараққиёти йўлида ҳамжиҳатликда меҳнат қилаверайлик!*

O`ZBEKTELEKOM

## “ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ” филиали жамоаси

***Хотира ва Қадрлаш куни***

*муносабати билан республикамиз аҳолисига энг эзгу тилакларини йўллайди.*

**Боболардан мерос қолган қадриятларимиз авлодларимиз учун ҳам муқаддас тушунчаларга айлансин!**

“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” ОАЖ

## АНДИЖОН ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Жонажон юртимизда истиқомат қилаётган барча инсонларга **Хотира ва Қадрлаш куни** муносабати билан энг эзгу тилакларини изҳор қилади.

**Гўзал инсоний туйғулар қалбларимизни ҳеч қачон тарк этмасин!**

O`ZBEKTELEKOM

## “САМАРҚАНД ТЕЛЕКОМ” филиали жамоаси

**Хотира ва Қадрлаш куни**

муносабати билан барчангизга меҳр-оқибат, юртимиз фаровонлиги йўлида амалга ошираётган ишларингизда муваффақиятлар тилайди.

*Ўтганлар хотираси доимо қалбимизда бўлсин, бир-биримиздан меҳр-мурувватни аямайлик!*

SPORT

**Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси ходимлари орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва спортни кенг оммалаштиришда турли тадбирларнинг аҳамияти катта. Жумладан, бир неча йилдан буён соҳа кубоги учун футзал бўйича биринчилик ўтказилиб келинмоқда.**

## КУЧЛИ ЖАМОА АНИҚЛАНДИ



Жорий йилнинг 3 май куни Урганч Олимпия захиралари коллежи спорт залида бўлиб ўтган футзал мусобақаси Хоразм вилояти алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг 2008 йилдаги энг кучли жамоаси номини аниқлаб берди.

Хотира ва Қадрлаш ҳамда Алоқачилар кунига бағишланган, шунингдек, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг футзал бўйича кўчма кубоги учун ўтказилган мусобақаларда "Хоразм Телеком", "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Хоразм филиали, "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси, вилоят РТУМ, 9-сон Шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламаси, ТАТУнинг Урганч филиали, АТ "Алоқабанк" Урганч филиали, "Ўздунробита" ХК Хоразм бўлими жамоалари ўзаро куч синашди.

Қизғин ва муросасиз кечган баҳсларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

1-ўрин – АТ "Алоқабанк" Урганч филиали;
2-ўрин – "Хоразм Телеком" филиали;
3-ўрин – "Ўздунробита" ХК Хоразм бўлими жамоаси.

Мусобақалар ниҳоясида жамоаларни тақдирлаш маросими ўтказилди. Унда ЎзАAA Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси ходимлари ва Хоразм вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитасининг ходимлари қатнашишди. Ғолиб ва совриндорларга қимматбаҳо совғалар ҳамда пул мукофотлари топширилди.

***Р.АБДИРИМОВ,***
***ЎзАAA Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси***

## «ҚУРУВЧИ» ЧОРАК ФИНАЛДА!

Миржалол Қосимов бошчилигидаги "Қурувчи" жамоаси муддатидан аввал Осиё чемпионлар лигасининг чорак финалига йўл олди. "Пахтакор" эса курашни гуруҳ босқичида тугатадиган бўлди.

«Ал-Иттиҳод» устози учрашувдан олдинги матбуот анжуманида "Қурувчи"нинг қанот ўйинчилари ва Сервер Жепаровдан эҳтиёт бўлиш лозимлигини айтиб ўтганди. Лекин унинг шогирдлари бу вазифанинг уддасидан чиқа олишмади. Айнан икки гол ҳам Жасур Ҳасанов қанотидан бошланган ҳужумлардан сўнг амалга оширилди. Сервер шу куни бир голга ҳаммуаллифлик қилган бўлса, иккинчисини ўзи дарвоза тўрига жойлаб қўйди.

**«ҚУРУВЧИ» – «АЛ-ИТТИҲОД» (С.Арабистони) – 2:0**

**Голлар:** А.Солиев, 11; С.Жепаров, 39.

Сурияниг Алеппо шаҳрида кечган "Ал-Иттиҳод" – "Сепахон" учрашуви 2:1 ҳисобида майдон эгаларининг ғалабаси билан якунланди. Сурияликларнинг ушбу ғалабаси "Қурувчи"ни муддатидан аввал ОЧЛнинг кейинги босқичига олиб чиқди.

Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони 5-турда Қувайтнинг "Ал-Қодисия" жамоаси меҳмони бўлди. Ушбу учрашув икки жамоа учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди. Агар дуранг натижа ҳам "Қодисия"ни чорак финалга олиб чиқса, "Пахтакор"ни фақат ғалаба қониқтирарди. Аммо Равшан Ҳайдаров шогирдларининг керакли натижага эришишлари учун рақиб жамоадан кўра, учрашув ҳакамини кўпроқ тўсқинлик қилди. Аввалига Нестеров дарвозаси томон белгиланган шубҳали пенальти, ўйин охирларида "Ал-Қодисия" дарвозасига белгиланмаган яққол 11 метрлик жарима...

**«АЛ-ҚОДИСИЯ» – «ПАХТАКОР» – 2:2**

**Голлар:** Аҳмад Ажаб, 21; Ҳалаф Салом, 45(пен) — Одил Аҳмедов, 36; Зайниддин Тожиев, 84.

**Ўтганларнинг охирати обод бўлсин**

"Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти жамоаси корхонанинг маркетингни ташкил этиш ва қимматли қоғозлар бўлими бошлиғи А.Раббимовга онаси
**Ўриной РАББИМОВА**нинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


# Вниманию руководителей компаний и фирм!

FTMTM

Центр научно-технических и маркетинговых исследований объявляет тендерные торги на закупку контрольно-измерительных приборов для собственных производственных нужд.

В тендере могут принять участие зарубежные и отечественные компании, фирмы и организации, являющиеся производителями закупаемой продукции или их официальными дилерами (дистрибьюторами), выполнявшие предъявляемые условия для участия в них и имеющие опыт поставки соответствующих типов закупаемой на тендерной основе контрольно-измерительных приборов.

К тендеру не допускаются компании, фирмы и организации — находящиеся в стадии реорганизации, ликвидации или банкротства; учрежденные менее чем за 6 месяцев до объявления тендера; не отвечающие требованиям тендерной комиссии по коммерческим и финансовым показателям.

**I. Предмет тендера: контрольно-измерительные приборы, требования к которым отражены в тендерных условиях.**

**II. Условия и сроки выполнения поставки: поставка должна быть осуществлена согласно графика поставок.**

**III. Последний срок приема тендерных предложений до 15-00 часов ташкентского времени 15 июня 2008 г.**

**Предложения принимаются ежедневно (кроме субботы и воскресенья) с 10-00 до 13-00 по адресу: Республика Узбекистан, 100084, г. Ташкент, ул. Богишамол, 7а.**

**Предложения представлять в закрытых опечатанных конвертах скрепленных печатью организации (компании).**

**IV. Условия оплаты и банковские реквизиты отражены в тендерных условиях.**

***За тендерными условиями и дополнительной информацией обращаться по телефонам: (+99871) 1503391, (+99871) 2376501, факс: (+99871) 1503390 ежедневно с 9-00 до 18-00 по ташкентскому времени или по электронной почте: info@ftmtm.uz***



Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусаид КЎЧИМОВ



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шуҳрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ



Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.



МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 233-36-48; 236-35-29.
Факс: 236-36-42.
E-mail: *orif@infonet.uz*



Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.

**Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.**

Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

**Тижорий материал —**

Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.

**Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.**

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.



"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
**Манзил:** Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

453-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Адади: 12356 нусха.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: **Аслиддин БЎРИЕВ.**
Матн терувчи: **Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.**

**Ахборот ҳамкоримиз: UZINFOCOM маркази.**

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.
1 2 3 4 5 6 . 8



9 Май!

Хотира ва қадрлаш куни

*Азиз юртдошлар!*

*Хотира ва қадрлаш кунида Ватанимизнинг озодлиги йўлида мардлик ва жасорат кўрсатган фахрийларга чуқур миннатдорчилик билдирамиз ва уларга саломатлик, бахт ва шодлик тилаймиз.*
*Уйингизда доимо тинчлик, фаровонлик нури чароғон бўлиб турсин!*

**МТС алоқа оператори** МТС

Батафсил: 0890 моб., тел.: (+998 97) 130 09 09, 131 09 09, 103 09 09 www.mts.uz / wap.mts.uz
Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Уздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади.
Хизматлар лицензияланган.





# Танловга марҳамат!

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги "Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти билан биргаликда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишлаб чиқариладиган махсус почта маркалари ва махсус хотира тамғасининг энг яхши эскизи бўйича танлов эълон қилади.**

**Танловнинг мақсади**
Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги юбилейига бағишлаб чиқариладиган махсус почта маркалари ва махсус хотира тамғаси эскизининг энг яхши мавзу, расм ва фотосуратини аниқлашдир.

**Танлов ҳайъати**
Топширилган ишларнинг бадиий савияси Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳузуридаги бадиий кенгаш томонидан баҳоланади. Танловга топширилган ишлар ичидан учта энг яхши мавзу, расм ва фотосурат танлаб олинади.

**Танловга юборилган ишларнинг характеристикаси**
Бадиий композицияни назарда тутган ҳолда, эскизлар ўлчами 1x4 масштабда почта маркалари ҳажмидан (30x42 мм; 42x30) келиб чиқиб ватман қоғозга акварелда чизилган бўлиши лозим.
Қадимий ва замонавий Тошкентнинг бадиий асл фотосуратлари кичик вароқлар, тўпламлар ва 1:4 масштабда почта маркалари ҳажмидан (30x42 мм; 42x30) келиб чиқиб почта маркалари ҳосил қилиш учун қўшимча равишда рақамли файллар — CD-R, CD-RW, ZIP-100, FLash Cardда топширилиши керак.
Танловда рассомлар, фотографлар ёшидан қатъи назар қатнашиши мумкин.

**Танловни ўтказиш муддати**
Танловга ишлар жорий йилнинг май-июл ойларида қабул қилинади. Танлов ғолиблари — жорий йилнинг август ойида аниқланади. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишлаб чиқариладиган махсус почта маркалари ва хотира тамғаси жорий йилнинг ноябр ойида босишга топширилади.

**Ғолибларни такдирлаш**
Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишлаб ишлаб чиқариладиган махсус почта маркалари ва хотира тамғаси эскизларини тайёрлаш танловида иштирок этиб биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган ғолибларга шартномага асосан муаллифлик мукофоти берилади.
Танлов ҳайъати график қоғозлар ва суратларни жорий йилнинг 1 августигача қабул қилади. Эскизларни олиб келиб топшириш ёки почта орқали юбориш ҳам мумкин. Фақат "Танловга" деб ёзишни унутманг!
Танловга қатнашишни хоҳловчилар ўзлари ҳақида қуйидаги маълумотларни, яъни исми-шарифи, фамилияси, уй манзили, боғланиш телефон рақамини топшириши керак.

**Ташкилий қўмита манзили:**
**Тошкент шаҳри, 100011, А.Навоий кўчаси, 28-В уй,**
**"Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти «Ўзбекистон маркаси» филиали.**
**Маълумот учун телефонлар: 233-70-33 ёки 232-00-33.**

MOBIL XIZMATI YANGILIKLARI

## «USSD-портал» – оддий ва қулай!

МТС компанияси ўз абонентлари учун кўплаб хизматлардан осон ва қулай фойдаланиш имконини берадиган «USSD-портал»ни жорий этди. Энди барча зарур USSD-командаларни эсда сақлаш шарт эмас. Бунинг учун фақат битта рақам — *111# теришнинг ўзи кифоя. Абонент бунинг натижасида телефон экранида пайдо бўладиган менюдан керакли пунктни танлаб, ўзига керакли нарсаларни ҳал этиши мумкин.

Маълумки, ҳар бир абонент ўз телефонидаги USSD-командаларидан фойдаланиб, ҳисобида қанча пул қолганини билиши, ҳисобини экспресс-тўлов карточкаси ёрдамида тўлдириши, турли хил қўшимча хизматларни ёқиб ўчириши ва кўпгина бошқа операцияларни амалга ошириши мумкин.

Энди эса «USSD-портал» ёрдамида барча хизматлардан фойдаланиш янада осонлашди – фақатгина битта *111# рақамни юбориб, МТС абонентлари маълумот ва сервис хизматлари менюсига кириш имкониятига эга бўладилар. Портал менюсидан фойдаланиш учун телефондаги меню хизматларининг тартиб рақамларига мос келадиган рақамли клавишларни босиш керак, холос.

* «USSD-портал»дан барча тариф режалари абонентлари (RED ва TIME тарифларидан ташқари) фойдаланиши мумкин.

## «COSCOM» абонентлари миллиондан ошди

«COSCOM»ни танлаган абонентлар сони тез суръатларда ошиб бормоқда. Алоқа сифатини яхшилаш, тармоқни кенгайтириш, қулай тариф режаларини киритиш ва юқори сифатли хизмат кўрсатиш ишларини тўхтовсиз олиб боришдан иборат бўлган компаниянинг ривожланиш стратегияси тармоқдан фойдаланувчи мижозлардан келиб тушаётган доимий талабга ҳамда абонентлар сонининг 1000000га етишига олиб келди.

— Компаниянинг қатъиятлик билан олиб борган ишлари мижозларимиз томонидан яхши баҳоланганидан хурсандмиз, – дейди «COSCOM» МЧЖ қўшма корхонаси бош директори Огуз Мемингювен. — Бу биринчи босқич, холос. Биз ўз ишларимизни давом эттирамиз ва албатта мижозларимиз сонини яна миллионга оширамиз.